

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2023 йил октябрь ойининг 9 куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди, РИНИАТМ Тошкент шаҳар филиали биносида очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья М.М.Гиясов, судья ёрдамчиси Ж.Ғуломовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Яшнобод туман прокурорининг ёрдамчиси Б.Бобоқулов, судланувчи ХХХнинг иштирокида, судланувчи ХХХга нисбатан 1-1009-2302/---сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

ХХХ), 1998 йил 5 январь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, -- тумани, --1-мавзе, ---уй, ---хонадонда яшайди, иш бўйича 2023 йил 19 июль куни “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,

АНИҚЛАДИ:

2023 йилнинг май ойи бошларида, “telegramm” ижтимоий тармоғидаги дастлабки тергов давомида аниқлаш имкони бўлмаган гуруҳ орқали таркибида “тетрагидроканнабинол” моддаси бўлган “гашиш” гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, ўз истеъмоли учун 100.000 сўмга сотиб олиб, ушбу гиёҳвандлик воситасини 2023 йил 16 май кунига қадар турли жойларда, шу жумладан эғнида бўлган кийими чўнтакларида қонунга хилоф равишда сақлаб келган.

Ўз навбатида ХХХ мазкур “гашиш” гиёҳвандлик воситасини ўз истеъмоли учун олиб, ўтказиш мақсадини кўзламай, эғнида бўлган шимининг ўнг томонидаги кичик чўнтаги ичида “5000” сўмлик пул купюрасига ўраган ҳолда сақлаб келаётганлиги, 2023 йил 16 май куни соат 01:00 да Яшнобод тумани, Авиасозлар 2-даҳаси, 58-уй яқинида мақсадсиз юрганлиги сабабли, ушбу ҳудудда хизмат олиб бораётган Яшнобод тумани, ИИО ФМБ ППХ ва ЖТСБ ходимларида шубҳа уйғотиб, у билан олиб борилган суриштирув тадбирлари натижасида аниқланган ва ХХХдан мазкур “5000” сўмлик пул купюрасига ўралган “гашиш” гиёҳвандлик воситаси ҳолислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинган.

Судга оид кимёвий экспертизанинг 18.05.2023 йилдаги 1232-сонли ҳулосасига кўра, ХХХдан олинган бир дона тўқ жигарранг рангли,



мумсимон ҳолдаги модда-таркибида фаол гиёҳванд модда “тетрагидроканнабинол” бўлган “гашиш” гиёҳвандлик воситаси эканлиги, оғирлиги 0,21 граммни ташкил қилиши кўрсатиб ўтилган.

Суд мажлисида судланувчи XXX, ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб, у 5-6 йил аввал Сирғали туманида истиқомат қилувчи XXX билан танишиб қолганлиги ва у билан дўстона муносабатда бўлиб келганлиги, тахминан 1 ой аввал XXX билан XXX орқали танишганлиги, шунингдек, XXXнинг турмуш ўртоғи XXX билан ҳам таниш бўлганлиги ва улар билан ўзаро дўстона муносабатда бўлиб келганлигини, баъзи вақтларда телеграм ижтимоий тармоғидаги гуруҳлар орқали турли хил кучли таъсир қилувчи моддалар ва гиёҳвандлик воситалари сотиб олиб, ўзи истеъмол қилиб келишини, охириги маротаба 2023 йилнинг май ойи бошларида мастерка деб номланадиган модда сотиб олганлигини, бироқ ҳозирда орадан кўп вақт ўтганлиги сабабли, неча сўмлик ва қанча миқдорда сотиб олганлигини эслай олмаслигини, мазкур сотиб олган “мастерка” деб номланадиган моддани 5.000 сўмлик пул купюрасига ўраб, эғнида бўлган шими чўнтагига солиб қўйганлигини, аммо, ушбу моддани ҳали истеъмол қилмаган бўлганлигини, 2023 йил 15 май куни кун давомида ўз ишлари билан банд бўлганлиги, шу куни соат 23:00 да унга XXX қўнғироқ қилиб, ундан қаерда эканлигини сўраганлиги, ўз ишлари билан юрганлигини айтган вақтида, XXX ундан бўш вақти бор-йўқлигини сўраганлиги ва ўзи бошқариб келадиган автомашинада уни бир жойга олиб бориб келишини ва у танишидан пул олиши кераклигини айтганлигини, сўнг бўш вақти бўлганлиги сабабли XXXни у айтган жойга олиб бориб келишга рози бўлганлигини ва ўзининг номига расмийлаштирилган “Спарк” русумли давлат рақами 01 Z --- ОА бўлган автомашинада XXXнинг яшаш уйи томонга ҳаракатланиб борганлигини, XXXнинг яшаш хонадонига яқинлашиб қолган вақтида, таниши XXXни учратиб қолганлиги ва у билан гаплашган вақтида, XXXнинг уйига кетаётганлигини айтганлигини, сўнг XXX билан биргаликда XXXнинг уйига боришганлигини, сўнг XXX билан унинг уйи олдида учрашиб гаплашганлиги ва XXX ундан уни Яшнобод туманига олиб бориб, сўнг қайтариб олиб келишини сўраганлигини, бўш вақти бўлганлиги сабабли рози бўлганлигини, сўнг XXXнинг турмуш ўртоғи XXX ҳам чиққанлигини, шу тариқа у XXX ва унинг турмуш ўртоғи XXX ҳамда XXX билан биргаликда XXX айтган йўналиш бўйича ҳаракатланиб Яшнобод туманига келишганлигини, улар Яшнобод тумани “Авиасозлар” бозори яқинига келишганидан сўнг шу ердаги кўп қаватли уйлардан бирининг қаршисида XXX ундан автомашинани тўхтатишини сўраганлигини, автомашинани тўхтатганидан сўнг XXX автомашинадан тушиб, ташқарида нимадир қидира бошлаганлигини, сўнг сигарета чекиш учун у ҳам автомашинадан тушганлигини, XXXнинг олдида бориб, сигарет чекиб турганлигини, шу орада XXX автомашина томонга ҳаракатланиб кетганлигини, сўнг орадан 2-3 дақиқа вақт ўтгач, ИИБ ходимлари хизмат автомашинасида келишганлиги ва у томонга ҳаракатланиб келишганлигини, ИИБ ходимлари келишаётганлигини кўриб, қўрқиб кетганлигини ва 2 ҳафта олдин ўзининг истеъмоли учун сотиб олган



“мастерка” моддасини чўнтагидан олиб, турган жойига ташлаб юборганлигини, бироқ, ИИБ ходимлари бунни кўриб қолиб, ундан ўзини таништиришини сўрашганлиги ва у ташлаб юборган модда нима эканлиги ва кимга тегишли эканлигини сўрашганлигини, ИИБ ходимларига ўзини таништириб, ташлаб юборган модда “мастерка” моддаси эканлигини ва ушбу модда унинг ўзига тегишли эканлигини, ушбу моддани ўз истеъмоли учун сотиб олганлигини айтганлигини, сўнг ИИБ ходимлари ХХХ, ХХХ ва ХХХларни ҳам шахсини аниқлаш учун улардан ўзини таништиришларини сўрашганлигини ва уларни ИИБ биносига таклиф қилишганлигини, улар ИИБ биносига келишгач сўнг ИИБ ходимлари бироз аввал у ташлаб юборган моддани ундан холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олишганлигини, ушбу моддани эғнида бўлган шимининг ўнг томонидаги кичик чўнтагида сақлаб келаётганлигини билдириб, кўрсатма бериб ўтганлигини, ундан ашёвий далил тариқасида олинган модданинг вазни 0,21 грамм чиққанлигини ва ушбу модда “гашиш” гиёҳвандлик воситаси эканлини тасдиқлашини, ушбу модда маҳаллий тилда “мастерка” деб номланишини, мазкур “мастерка”ни 2023 йилнинг май ойи бошларида телеграмм ижтимоий тармоғи орқали 100.000 сўмга сотиб олганлигини, бироқ, ҳозир орадан кўп вақт ўтганлиги сабабли ушбу моддани телеграмм ижтимоий тармоғидаги айнан қандай номли гуруҳдан ҳарид қилиб олганлигини эслай олмаслигини, мазкур “мастерка” моддасини ўзининг истеъмоли учун сақлаб келганлиги ва ушбу моддани ўтказиш мақсади бўлмаганлигини, 2023 йил 15 май куни Яшнобод тумани, Авиасозлар 2-даҳасига келганлигининг сабаби, таниши ХХХ ундан ушбу манзилга олиб бориб, сўнг қайтариб олиб келишини сўраганлиги эканлигини, бўш вақти бўлганлиги сабабли бунга рози бўлиб, ХХХ, унинг турмуш ўртоғи ХХХ ҳамда таниши ХХХ билан биргаликда Яшнобод тумани Авиасозлар 2-даҳаси ҳудудига келганлигини, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, бошқа бундай ҳолатни такрорламаслиги, унга енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи ХХХ, ўз айбига тўлиқ иқроп бўлиб, кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби қуйидаги далиллар билан исботланади.

Судда томонларнинг розилиги билан дастлабки терговдаги кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ ХХХ қуйидагиларни, 2023 йил 15 май куни кун давомида ўз ишлари билан банд бўлганлигини, шу куни кечки соат 23:00 да уйда ўтирган вақтида, унга ХХХ қўнғироқ қилганлигини, ХХХ билан телефонда гаплашган вақтида, ХХХ ундан уйда ёки уйда эмаслигини сўраганлигини, уйда эканлигини айтган вақтида, ХХХ уни уйига келаётганлигини ва унда гапи борлигини айтганлигини, сўнг орадан бироз вақт ўтганидан кейин ХХХ уни уйига ХХХ билан бирга келганлигини ва ХХХ билан уйи ховлисида гаплашганида, ХХХ ундан бирга бир жойга бориб келишини сўраганлигини, унга ўзи бориб келаверишини айтган вақтида, ХХХ унга бирга унинг “Спарк” русумли автомашинасини бошқариб бориб-келишини сўраганлигини, уйда бўлганлиги ва бўш вақти бўлганлиги сабабли ХХХ билан бирга бориб келишга рози бўлганлигини, шу вақтда, уйдан турмуш ўртоғи ХХХ чиқиб қолганлигини ва у билан бирга



боришини айтганлигини, сўнг у турмуш ўртоғи ХХХ, ХХХ ва ХХХ билан бирга ХХХнинг “Спарк” русумли автомашинасида ҳаракатлана бошлашганлигини, автомашинани у бошқариб кетганлигини, ХХХдан қаерга кетаётганлигини сўраган вақтида, ХХХ ундан бироз пул кераклигини ва қарзга пул бериб туришини сўраганлигини, сўнг яшаш хонадони яқинидаги савдо дўконларидан бирига кириб, 400.000 сўм миқдорида қарзга пул олганлиги ва ушбу пулни ХХХга берганлигини, автомашинани у бошқариб кетаётган бўлганлиги, олд йўловчи ўриндиқда турмуш ўртоғи ХХХ, орқа ўриндиқда эса ХХХ ХХХ билан бирга ўтирган бўлганлигини, сўнг ХХХдан қаерга ҳаракатланиш кераклигини сўраган вақтида, ХХХ Яшнобод тумани ҳудудига бориши кераклигини айтганлигини ва ҳаракат йўналишини унга айтиб турганлигини, сўнг ХХХ айтган йўналиш бўйича ҳаракатланиб, Яшнобод тумани, Авиасозлар 2-даҳаси, 58-уй қаршисига келганлигини, ХХХ автомашинани тўхтатишни айтганидан сўнг автомашинани йўл четида тўхтатганлигини, сўнг ХХХ автомашинадан тушиб, бироздан сўнг уни чақира бошлаганлигини, ХХХнинг олдига борган вақтида, у телефон фонарини ёқиб туришини сўраганлигини, ХХХ айтганлиги сабабли телефон фонарини ёқиб турган вақтида, ХХХ ушбу 58-сонли кўп қаватли уйнинг четки қисмидаги панжаралар остидан нимадир қидира бошлаганлигини, ХХХ у фонар ёқиб турганлигига қарамасдан ўзи мустақил ҳаракатланганлиги сабабли қайтиб автомашинага ўтирганлигини ва ХХХ ҳамда турмуш ўртоғи ХХХ билан гаплашиб ўтирганлигини, шу орада автомашинада ўтирган вақтида, ХХХнинг олдига ИИБ ходимлари келишганлигини ва у билан гаплаша бошлашганлигини, сўнг автомашина олдига келиб, уни автомашинадан тушишини сўрашганлигини, автомашинадан тушиб, ИИБ ходимлари ва ХХХнинг олдига борган вақтида, ИИБ ходимлари ХХХдан 5.000 сўмлик пул купюрасига ўралган модда кимники эканлигини сўраб туришган ва ХХХ ушбу модда унга тегишли эканлигини, ИИБ ходимлари келганлигини кўриб, кўрқиб кетиб, ушбу моддани эғнида бўлган шимининг ўнг томон олд кичик чўнтагидан чиқариб улоқтириб юборганлигини айтиб турган бўлганлигини, сўнг ИИБ ходимлари уларни Яшнобод тумани ИИО ФМБ маъмурий биносига таклиф қилишганлигини ва ИИБ биносига келишганидан сўнг, ИИБ ходимлари мазкур ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришиб, ХХХдан мазкур 5.000 сўмлик купюрага ўралган ўткир хидли, мумсимон моддани ҳолислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олишганлигини кўрсатиб ўтган.

Судда томонларнинг розилиги билан дастлабки терговдаги кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ ХХХ қуйидагиларни, 2023 йил 16 май куни эрталаб соат 04:30 да дўсти ХХХ билан яшаш жойидан чиқиб, иш жойи томон ҳаракатлана бошлашганлигини, улар иш жойига метро орқали ҳаракатланиб бориши сабабли, яшаш жойидан чиқиб, Яшнобод туманидаги “Дўстлик-2” метро бекати томонга ҳаракатлана бошлашганлигини, ХХХ иккиси Яшнобод тумани ИИО ФМБ маъмурий биноси олдидан ўтиб кетишаётган вақтида, фуқаролик кийимидаги шахс ўзини Яшнобод тумани ИИО ФМБ ходими деб таништириб, хизмат



гувоҳномасини кўрсатиб, улардан процессуал ҳаракатда холис сифатида иштирок этишларини сўраганлигини, ХХХ иккиси фуқаролик бурчи сифатида холис сифатида иштирок этишга рози бўлишганлигини, сўнг ИИБ ходими уларни Яшнобод тумани ИИО ФМБ маъмурий биносига таклиф қилишганлигини, улар ИИБ биносига кирганидан сўнг хизмат хоналарнинг бирида ИИБ ходимлари шу ердаги хонада турган шахс билан уларнинг холислигида гаплашиб, ундан ўзини таништириши ва унда қандай модда мавжудлигини сўраган вақтида, ушбу йигит ўзини ХХХ деб таништириб, Сирғали туманида яшашини маълум қилиб, эғнидаги шимининг олд ўнг кичик чўнтагидан 5.000 сўмлик купюрага ўралган моддани чиқариб кўрсатиб, ушбу модда маҳаллий тилда “мастерка” деб номланувчи гиёҳвандлик моддаси эканлигини, Яшнобод тумани, Авиасозлар 2-дахаси, 58-уй орқа томонида юрган вақтида ИИБ ходимларини кўриб қолиб, ушбу мастерка моддасини чўнтагидан чиқариб улоқтириб юборганлигини, бироқ, ИИБ ходимлари уни тутиб олишганлигини ва ИИБ ходимларига ушбу “мастерка” моддасини улоқтириб юборганлигини айтганлигини маълум қилганлигини, сўнг ИИБ ходимлари уларнинг холислигида ушбу 5.000 сўмлик купюрага ўралган моддани очиб кўришган вақтида, ушбу модда кўриниши қора рангдаги, сақичсимон, ўткир хидли модда эканлигини кўришганлигини, сўнг ИИБ ходимлари уларнинг иштирокида ушбу моддани конвертга солиб, мухрлаб қўйишганлигини, ХХХдан ушбу модда кимга тегишли эканлиги ва нима мақсадда олиб юрганлигини сўрашган вақтида, ХХХ ушбу “мастерка” моддаси унга тегишли эканлигини ва ўзининг истеъмоли учун олиб юрганлигини маълум қилганлигини, сўнг ИИБ ходимлари улардан ҳолат бўйича тушунтириш хати ёзиб беришларини сўрашганлигини ва бўлиб ўтган ҳолатни кўрсатиб ўз қўли билан тушунтириш хати ёзиб берганлигини, ХХХ мазкур 5.000 сўмлик купюрага ўралган моддани “мастерка” деб айтганлигини ва ушбу модда унга тегишли эканлигини маълум қилганлигини, ХХХ мазкур 5.000 сўмлик купюрага ўралган “мастерка” моддасини ўзининг истеъмоли учун олиб юрганлигини маълум қилганлигини, ХХХдан ушбу “мастерка” моддаси ашёвий далил тариқасида олиниши давомида, ИИБ ходимлари томонидан ХХХ ва бошқа шахсларга нисбатан ҳеч қандай жисмоний ва руҳий таъзийқ ўтказилмаганлигини ва ИИБ ходимларининг барча ҳаракатлари уларнинг холислигида амалга оширилганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи ХХХнинг айби, гувоҳ ХХХ, ХХХ, ХХХларнинг дастлабки терговда берган кўрсатувларидан ташқари, билдирги, тушунтириш хатлари, нарсани кўздан кечириш, гувоҳни сўроқ қилиш, баённомалари, судга оид кимёвий ва гиёҳвандлик экспертизаларининг хулосалари, ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисида қарор ва иш бўйича тўпланган бошқа асосли далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланади.

Суд судланувчи ХХХнинг жиноий қилмишларининг юридик квалификациясига баҳо бериб, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрель кунги 12-сонли “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда



муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг тушунтиришларни эътиборга олиб, унинг ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган яъни, гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, ташиш ва сақлашда ифодаланган жиноят белгилари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи XXXга жазо тайинлашда унинг оилавий шароитини, айбига тўлиқ иқрорлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни мавжуд эмас деб топади.

Суд, судланувчи XXXга жазо тури ва миқдорини танлашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчининг шахсини, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми санкцияси доирасида жарима жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, судланувчи XXXнинг Тошкент шаҳар наркология диспансерининг судга оид гиёҳвандлик экспертизаси хулосаларига кўра, гиёҳвандликка чалинмаганлигини ва ушбу касалликдан мажбурий даволанишга муҳтож эмаслигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўлламасликни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддаси талабларига риоя қилиб, жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБда 05268-сонли квитанция асосида сақланаётган 0,198 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситаси, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг тегишли тартибда йўқ қилишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд ҳайъати

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

XXX) Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин ва унга шу модда билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 (йигирма) баравари яъни (20 x 330.000) 6.600.000 (олти миллион олти юз минг) сўм миқдорида жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, XXXга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.



Жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБда 05268-сонли квитанция асосида сақланаётган 0,198 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситаси, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Мазкур муддат ўтказилиб билдирилган протест ва шикоят кўрилмасдан қолдирилади.

Раислик қилувчи

имзо

М.М.Гиясов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри

имзо

М.М.Гиясов

Ҳужжат имзоланган: Гиясов Мирусмон Мирилясович, 01.11.2023

